

POETONIM - AS ONOMASTIC AND LINGUOPOETICAL ASSOCIATION

Maxsudova Kholishon Ummatovna
Department of Uzbek language and literature
Basic doctoral student
Andijan Institute of Mechanical Engineering
Tel: +998911606100
xolisxon@mail.ru

Annotation: This article analyzes some properties of poetonyms and reveals the possibility of their figurative use in the literary text.

Keywords: poetonyms, anthroponyms, image, imagery, metonymy, metaphor, author's poetonymy, real names.

ПОЭТОНИМ – ҲАМ ОНОМАСТИК, ҲАМ ЛИНГВОПОЭТИК БИРЛИК СИФАТИДА

Махсудова Холисахон Умматовна
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси
Таянч докторанти
Андижон машинасозлик институти
Тел: +998911606100
xolisxon@mail.ru

Аннотация: ушбу мақолада поэтонимларнинг айрим хоссалари таҳлил қилиниб, улардан бадиий матнда образли фойдаланиш имконияти очиб берилди.

Таянч сўзлар: *поэтоним, антропонимлар, образ, образлилик, метонимия, метафора, муаллиф поэтоними, реал номлар.*

Маълум бир маъно ташувчи ономастик бирликлар махсус номинатив вазифа бажариш билан бирга контекст талаби билан экспрессив вазифа ҳам бажариб, лингвопоэтик аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ю.А.Карпенко 1984 йилда Лейпцигда бўлиб ўтган Халқаро Ономастика Конгрессида ўзининг умуммиллий тил ва бадиий адабиётдаги атоқли отларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида мутахассисларга жуда қисқа, беш хил мулоҳаза баён қилинган бир саҳифадан иборат фикрларини тақдим этади. Бу тезисларда поэтонимлар илк бор алоҳида масала сифатида илмий мунозарага киритилган эди.¹

Биринчи мулоҳаза: поэтик онимиянинг иккиламчи табиати билан боғлиқ бўлиб, у умумхалқ ономастика фонида пайдо бўлган ва унга суянадиган "мақсаднинг субъектив инъикоси", "ёзувчи томонидан умумтил ономастик меъёрлари билан бажариладиган "ўйин"дир.

Иккинчи мулоҳаза: Поэтик ономастиканинг асосий хусусияти шундаки, уни муаллифнинг ўзи танлайди ёки яратади, халқ ономастикаси эса тарихий жиҳатдан қатъий белгиланади. Бадиий номнинг

¹ Карпенко Ю. А. Специфика имени собственного в общенародном языке и художественной литературе. – В кн.: XV Internationaler Kongress für Namenforschung. Resümees der Vorträge und Mitteilungen. – Leipzig, 1984, s.88

образ (ташувчи), образли тизим, бадий тушунча, жанр ва услуб билан боғланиши сезиларли даражада тор бўлса-да, ономастиканинг субъектив асосидан четлашмайди.

Учинчи мулоҳаза: Бадий ономастиканинг вазифалари оддий номларнинг функцияларидан сезиларли даражада фарқ қилади. Бу ерда дифференциаллик эмас, услубий вазифа етакчи бўлиб, у ахборот-услубий (концептуал маънога эга) ва эмоционал-услубий (маъно концептуал эмас) вазифа сифатида намоён бўлади.

Тўртинчи қоидада “тилга мансуб бўлган умуммиллий, ҳақиқий ономастикадан фаркли ўлароқ, поэтик ономастика нутқий бирликдир.”

Поэтик онимия **бешинчи хусусияти сифатида бадий асар** сарлавҳасини назарда тутлади.² Сарлавҳани поэтоним сифатида кўриб чиқишга имкон берадиган ушбу қоида, бир томондан, поэтик ва ономастик тадқиқотлар учун янги уфқларни очди, бошқа томондан, у поэтонимологиянинг мутлақо янги ва ривожланмаган соҳасига тегишли эди.

Олимнинг поэтик ономастиканинг асосий муаммоси борасидаги тадқиқотлари асосида изланишлар олиб борган В.М.Калинкин шундай хулосага келади: “Ю.А.Карпенконинг ғояларини ишлаб чиқаётиб, “поэтик ономастиканинг предмети асл номлар эмас, балки уларнинг ўзига хос ўзгариши - поэтонимлар” эканлигига амин бўлдим. Шу билан бирга, поэтонимларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, улар реал эмас, балки муаллифнинг ижодий онги ва (асар матни орқали) ўқувчи онгида идрок этилади ва идеал тасвирларда мавжудликни билдиради.”³

“Поэтик ном (поэтоним) бадий асарлар тилида номинатив вазифадан ташқари характерловчи, услубий ва ғоявий вазифаларга ҳам эга бўлган номдир”⁴. Н.В.Подольскаянинг “Словарь русской ономастической терминологии” луғати 1978 йилдаги нашрида ушбу таъриф берилмаган. Демак, поэтоним атамаси нисбатан кейинроқ янги пайдо бўлган термин сифатида луғатнинг кейинги тўлдирилган нашрига киритилган. Бадий матндаги поэтоним тегишли номларнинг барча тоифаларини умумлаштирувчи универсал атама ҳисобланса, онимлар турига кўра, поэтик антопоним (антропопоэтоним), поэтик топоним (топонопоэтоним), поэтик зооним (зоопоэтоним) каби атамаларни қўллаш мумкин.⁵

Поэтик антропонимлар. Тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги ономастикада, жумладан, антропонимикада аниқ кўринади. Исmlарнинг юзага келиши ижтимоий ҳодисадир. Исmlарнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги исmlарни танлаш мотивида, шунингдек, исmlарнинг ўзига турли ижтимоий, этнографик, диний маънолар юкланишида ҳам кўринади.⁶

Бадий асарнинг тарихийлик нуктаи назаридан танланган мавзусига кўра, тарихий шахс ёки тўқима образ номи масаласи кўндаланг кўйилади. Бу борада В.А.Никонов куйидагича фикр билдиради: “Персонаж номи бадий образ яратувчи воситалардан бири бўлиб, у персонажнинг ижтимоий мансублигини тавсифлаши, миллий ва маҳаллий колоритни ифодалаши мумкин, агар асарда ўтмишда содир бўлган воқелик тасвирланган бўлса, тарихий шахслар исми ёрдамида тарихий ҳақиқат қайта яратилади (агар ҳақиқатга зид равишда ном танланган бўлса, у тўла тикланмай қолади)”⁷

Ўзбек тилшунослигида ҳам бадий матн лингвопоэтикасига оид ишларда персонаж номи бадийияти масаласи илгаридан ўрганилиб келинган бўлса-да, “поэтонимлар – ономастик бирлик” тамойили асосида тадқиқ қилиш эндигина шаклланиб келмоқда.

² Карпенко Ю. А. Специфика имени собственного в художественной литературе // Ю. О. Карпенко. Литературна ономастика: Збірник статей. – Одеса: Астропринт, 2008. – С. 205–219. [Впервые в: Onomastica XXXI, 1986 – С. 5–22]

³ Калинкин В.М. Как в русской литературе онимы превращались в поэтонимы? // Филологические исследования Вып. 15, 2016 г.- С. 196-211

⁴ Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. М., 1988. – С. 108. Цитата <http://imja.name/poehtonimy> сайтидан олинди.

⁵ <http://imja.name/poehtonimy/termin-poehtonim.shtml>

⁶ Кенжаева С. Ўзбек тили антропонимларининг номинацион-мотивацион асослари ва тавсифи: фил.фан.бўйича (phd) дисс. автореф. Қарши, 2019.

⁷ Никонов В. А. Имя и общество. М., 1974. – С. 234.

Тадқиқотчи М.Қосимова Тоғай Муроднинг ўз асарларидаги антропонимларга маълум маънодаги вазифа юклаши, матнда улардан муайян услубий мақсадда фойдаланиши, қўллаётган антропонимларини “гапиртира олиши”, рамзий-мажозий маъноларни ифодалашни хусусида фикр юритар экан, ёзувчининг “Отамдан қолган далалар” романидаги антропонимларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратади:

1. Тарихий исм-шарифлар – *Иброҳимбек, Намоз Пиримқул ўғли, Полторацкий, Скобелев, Колесов, Шароф Рашидов, Брежнев, Яхёев, Усмонхўжаев* каби.

2. Реал - нозэкспрессив исм-шарифлар – *Жамолiddин, Бахтиёр Абдураҳимов, Мавлонов, Мелиев, Зиёд* ва ҳоказо.

3. Реал - экспрессив исмлар – *Ақраб қўрбоши, Болхин теримчи, Хурсандой, Норгулой, Деҳқонкул.*

4. Метонимик маъно ифодаловчи номлар – *Кетмон, Оқподшо, Қизил, Идеология, Адабиёт, Физика, Кимё, Жузрофия, Оладўппи.*

5. Синекдоха асосида маъно ташувчи номлар – *Жингаласоч, Бароққош.*

Мазкур соҳанинг етук мутахассислари эътироф этганларидек, номинация тамойиллари даврий характерга эга бўлиб, ўзгариб туради. Аҳолининг турмуш тарзи, маданияти, тафаккур олами номинация тамойилларини белгилайди.⁸ Шундай экан, ономастик бирликлар тизими ҳам муайян даврдаги ижтимоий ҳодисалар таъсирида ўзгаришларга учрайди, замонавий талқинлар негизда ўзининг янги қатламини шакллантиради ва шунга мувофиқ тарзда янгича мезон ва тамойиллар ҳам вужудга келади.

О.Юлдашев поэтонимларни онимларнинг гемероним, документоним, хрононим каби лексик-семантик турлари таркибида беради.⁹ Бундай ёндашув тўғри эмас, Чунки поэтоним атамаси барча оним турларининг поэтика (бадиият) нуқтаи назаридан қўлланилишини назарда тутаяди.

З.Р.Муқимованинг “Ўткир Ҳошимов асарларида поэтонимлар олами” мақоласида лингвопоэтик восита сифатида қўлланган ономастик бирликлар хусусида сўз боради.¹⁰ Масалан, тадқиқотчи “нурли” маъносини англатувчи *Мунаввар* антропоними “сўзловчи” ном вазифасида қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатига ишора қилиб, унинг характерини ёритишда муайян даражада роль ўйнаганлиги ёки уруш ичида ҳамда уруш ортида бўлган халқнинг “дунёни тинч кўрмоқ” орзуси асар қаҳрамони Омон номида аниқ ифодаланганлиги хусусидаги фикрлари орқали ёзувчининг асар қаҳрамонлари ва ёки объектларни номлашда муайян ғоявий-бадий мақсадларни кўзлаганлиги, ономастик бирликлардан таъсирчан лингвопоэтик восита сифатида фойдаланганлигига ишора қилади. “Ёзувчи *“Икки эшик ораси”* деганда инсон умрини, яъни туғилганидан ўлгунигача босиб ўтган йўлини – бу эшикдан кириб, у эшиккача бўлган даврни кўзда тутаяди. Ёзувчи қўллаган метафора беш юз саҳифадан ортиқ романга жо бўлган мазмун-моҳиятни ўзида жамлаб олган, акс эттириляётган воқеа-ҳодисаларнинг умумлашмаси сифатида асар учун таянч – асосий фикр ва мақсад объекти бўлган.”¹¹

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегматов Э., Дўсимов З., Нафасов Т., Қораев С. Ўзбек номшунослиги: тадқиқ йўналиши ва усуллари // Хива, 1991. 1-сон.

⁸ Бегматов Э., Дўсимов З., Нафасов Т., Қораев С. Ўзбек номшунослиги: тадқиқ йўналиши ва усуллари // Хива, 1991. 1-сон. 11-бет.

⁹ Юлдашев О. Гемеронимлар ономастик бирлик сифатида // “Филологиянинг долзарб масалалари” республика илмий-услубий анжумани материаллари тўплами. 1-китоб, Қўқон, 2020. – Б. 241

¹⁰ Муқимова З.Р. Ўткир Ҳошимов асарларида поэтонимлар олами // Бухоро давлат университети Илмий ахбороти 2019/2(74). – Б.114-119

¹¹ Муқимова З.Р. Ўткир Ҳошимов асарларида поэтонимлар олами // Бухоро давлат университети Илмий ахбороти 2019/2(74). – Б.114-119

2. Карпенко Ю. А. Специфика имени собственного в общенародном языке и художественной литературе. – В кн.: XV Internationaler Kongreß für Namenforschung. Resümees der Vorträge und Mitteilungen. – Leipzig, 1984.
3. Карпенко Ю. А. Специфика имени собственного в художественной литературе // Ю. О. Карпенко. Літературна ономастика: Збірник статей. – Одеса: Астропринт, 2008. – С. 205–219. [Впервые в: *Onomastica XXXI*, 1986 – С. 5–22]
4. Калинин В.М. Как в русской литературе онимы превращались в поэтонимы? // Филологические исследования Вып. 15, 2016 г.- С. 196-211
5. Кенжаева С. Ўзбек тили антропонимларининг номинацион-мотивацион асослари ва тавсифи: фил.фан.бўйича (PhD) дисс. автореф. Қарши, 2019.
6. Муқимова З.Р. Ўткир Ҳошимов асарларида поэтонимлар олами // Бухоро давлат университети Илмий ахбороти 2019/2(74). – Б.114-119
7. Никонов В. А. Имя и общество. М., 1974.
8. Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. М., 1978/1988.
9. Юлдашев О. Гемеронимлар ономастик бирлик сифатида // “Филологиянинг долзарб масалалари” республика илмий-услубий анжумани материаллари тўплами. 1-китоб, Қўқон, 2020.
10. <http://imja.name/poehtonimy/termin-poehtonim.shtml>